

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Адхамов Зафар Акбарович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси
(ORCID-0009-0004-0961-3708)
zafaradxamov886@gmail.uz

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда вояга етмаганлар ва ёшлар тарбиясида амалга оширилаётган давлат сиёсати соҳасида хусусан, маҳаллаларда вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси билан шугулланишда кенг жамоатчиликнинг ҳамкорликда ишларни амалга оширишлари, оиласарда тарбиялананаётган вояга етмаганлар ва ёшларни ижтимоий аҳволи таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада аждодларимизнинг буюк маънавий меросида таълим-тарбия ва маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилганлиги ҳақида сўз юритилади.

Abstract. In this article, in the field of state policy implemented in the education of minors and youth in Uzbekistan, in particular, the cooperation of the general public in dealing with the education of minors and youth in neighborhoods, the social condition of minors and youth educated in schools is analyzed. Also, mojet byt our ancestors, gde est novye mery educational and spiritual issues, special attention is given, which are legal lits.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар ва ёшлар, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий профилактика чора-тадбирлари, инсон қадри, “Ёшлар дафтари”, обод ва хавфсиз маҳалла, маҳалла еттилиги, ижтимоий профилактика.

Key words: minors and young people, delinquency, social preventive measures, human dignity, "Youth register", prosperous and safe neighborhood, neighborhood seven, social prevention.

Маълумки, жамият таракқиёти барча давлатларда ривожланишининг моҳияти унинг суръати, инсонларнинг одоби, тарбияси, хулқи ва маънавий камолот даражасига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Қаерда маънавий-маърифий, ахлоқий фазилат юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, у ерда жамиятнинг ижтимоий адолат меъзонлари тез ривожланганлиги тарихдан маълум.

Тарбиявий ишлар, юксак одоб-аҳлок меъёрлари кеча ва бугун ўйлаб топилган нарса эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча йиллар давомида, аждодлар тажрибасига суюнган ҳолда келажагимиз бўлган ёшларга маънавий-ахлоқий мерос сифатида ўргатилиб келинади.

Тарихга назар ташласак, фарзанд тарбияси нафақат ҳозирги кунда балки қадим ўтмишда ҳам жуда муҳим вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Аждодларимиз мероси Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да болалар тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг фикрича, тарбияли бола ҳар

нарсага қодирдир. Яъни, тарбияли бола энг аввало интизомли бўлади. Интизом эса барча эзгу ишларнинг асоси эканлигига улар ишонишганлар.

“Тарбия,- дейилган “Авесто”да , - ҳаётнинг энг муҳим (таянчи) тиргаги бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишини ва сўнгра эса ёзиши ўрганиш билан энг юксак погонага кўтарилисинг”. Шу сабабли ҳам, фарзандларининг меҳнат малакасини оширишга, уларга ҳунар ўргатишига жиддий эътибор берганлар. “Болалар,- дейилган тарихий манбада,- ёш пайтиданоқ дарахт ўтқазиш, уй-рузғор куроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт”. Айнан мана шу даврда болалар яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлашини, уларнинг мурғак қалбида Эзгулик ва Ёмонлик тушунчалари шаклланишини ота-боболаримиз теран англаганлар ва фарзандлари қалбида яхшилик уруғини ўстиришга ҳаракат қилганлар. Ана шу ўлмас ғоялар маданий ёдгорлигимиз “Авесто”да ниҳоятда таъсирли ва асосли қилиб тасвирланган. Муқаддас манбада, юқорида номлари келтирилган юмушларни бажариш шарт қилиб кўйилган, мажбурий воситаларга айлантирилган.¹

Фарзанд тарбиясига муқаддас динимиз бўлган Ислом динида ҳам муҳим вазифа сифатида қаралган. Ислом таълимоти кишилик жамиятида ўз ўрнини топиб, унинг дунёвий ва диний ҳаётида амалий татбиқини топган илк саодат асиридан бошлаб ёш авлод тарбиясига катта аҳамият бериб келади. Бу таълимот ва унинг йўл йўриклири жамият асоси, уммат истиқболи саналган ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб этишишларини таъминлайди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб айтадилар: “Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши қўп миқдордаги нафл садака беришидан яхшироқдир” (*Термизий ривояти*). Бошқа бир ҳадисда: “Ота болага гўзал одобдан яхшироқ нарсани бера олмайди” (*Термизий ривояти*), дейилади. Буюк ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино фарзанд тарбияси ҳақида васият қилиб, бундай деган эди: “Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зоро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади”². Болаларнинг тарбияси ёшлигидан йўлга қўйилмас экан, катта бўлганидан кейин ҳам уни ўзгартириш мушкулдир. Шу сабабли болани ёш ниҳоллигидан эҳтиёткорлик билан парваришлаш керак. Ота-она тарбиясининг аҳамияти ҳақида жаноб Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадиси шариф ворид бўлган: “Ҳар бир фарзанд мусулмон фитратида туғилади, лекин уни яҳудийга айлантириб юборадиган ҳам, насроний ёки мажусийга айлантириб юборадиган ҳам унинг ота-онаси” (*Имом Бухорий ривояти*).³

Ислом дини таълимотида келтирилган ижтимоий тарбия ҳусусида гапирадиган бўлсак, ижтимоий тарбиядан мақсад – болани ёшлигиданоқ одамлар билан яхши муомала қилиш одобига ўргатиб, маънавий баркамол этиб вояга етказишидир. Бу тарбия ҳам муборак Ислом ақидаси ва чуқур имон туйғусидан озиқланади. Бундай тарбия кўрган бола жамиятда гўзал муомаласи, одоби, ақли билан ажралиб туради. Шубҳасиз,

¹ (“Авесто”. Ясна, 19, 43, 68-Хотлар, -18, 22, 57, 63, 76, 86, 96 бетлар)

² Оиласда фарзанд тарбияси. Усмонхон Алимов. 5-бет. Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2019.

³ Оиласда фарзанд тарбияси. Усмонхон Алимов. 51-бет. Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2019.

бала тарбияси отаона, мураббийлар учун мухим масъулият ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар қандай тарбия имон, хулқ ва нафс тарбиясининг умумий маҳсулидир. Ижтимоий назорат ва тўғри сиёсат таъсирида тарбия топган бола ўз бурчларини бажариб, одоб қоидаларига риоя қилади. Тажрибадан маълум, жамият соғлом, кучли ва мустаҳкам бўлиши учун унинг ҳар бир аъзоси ҳар томонлама соғлом бўлиши зарур. Бу ўринда Ислом таълимотининг ижтимоий ва ахлоқий тарбиядаги бекиёс ўрнини алоҳида таъкидлаш мухим.

Маълумки, мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилиган бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат тараққиётининг ривожи ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даржасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун эса аввало жамият аъзоларининг, шу жумладан вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Шу боисдан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишни кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар,

Навоий

ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимииз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”⁴, - деб такидлаб, вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларни Ватан равнаки йўлида хизмат қилувчи шахс сифатида етиштириш мухим вазифалардан эканлигини кўрсатиб берди.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксарияти ижтимоий соҳага йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ ҳамда эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Одамларнинг фаровон ва ҳаётдан рози бўлиб турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиш, бандликни таъминлаш ва даромадини ошириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, турмуш шароити ва сифати жиҳатидан табақаланишга йўл қўймаслик каби масалаларга ижтимоий

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади // <https://xabar.uz/jamiyat/prezident-iio-xodimlariga-tabrik-yolladi>

барқарорликни кафолати сифатида давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясидв белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-5938-сон Фармони билан жорий этилган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратишнинг самарали механизмларини белгилаш мақсадида, 2023 йил 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур қўшма қарорга кўра ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан кунлик якка тартибда ишлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Мазмунига кўра, “Ижтимоий профилактика” – ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини манзилли ҳал этишга қаратилган якка тартибдаги ташкилий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш чораларини ўз ичига қамраб олади.

Мазкур қўшма қарор асосида қўлланиладиган чора-тадбирлар вояга етмаганлар ва ёшлар тарбиясида жуда муҳим ўрин тутади. Жумладан, мазкур қўшма қарорга кўра Ижтимоий профилактика обьекти бўлган шахслар тоифасига киритилган, қуйидаги;

фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар;

низоли оилалар аъзолари (умумий рўзгор асосида яшовчилар);

назоратсиз ва қаровсиз қолган 14 дан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар;

ғайриижтимоий хулқ-атворли ёшлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, келгусида вояга етмаганлар ва ёшларни оилаларда тўғри тарбия олишлари ҳуқуқбузарлик, жиноятлар содир этишларини олдини олади.

Шунингдек, мазкур қўшма қарорга кўра ижтимоий профилактиканинг субъектларининг ҳар бирига вояга етмаган ва ёшлар билан ишлаш бўйича вазифалар юклатилган. Жумладан, мазкур қўшма қарорга кўра Ижтимоий профилактика субъектларининг функционал мажбуриятлари кўрсатилган. Унга кўра;

Маҳалла раисининг функционал мажбуриятлари:

фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар рўйхатини шакллантириш ва алоҳида йиғмажилд юритиш

ҳамда якка тартибдаги ижтимоий профилактик чора-тадбирларни белгилаш;

назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаганларнинг яшаш шароити, ижтимоий мослашуви билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳолидан мунтазам равишда бевосита хабар олиб туриш орқали бир йил давомида мониторинг қилиб бориш ҳамда уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш;

Ҳоким ёрдамчисининг функционал мажбуриятлари:

бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган, шу жумладан доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича:

Хотин-қизлар фаолининг функционал мажбуриятлари:

низоли оиласарда яшовчи хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандларини мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришда, шунингдек қонунчиликда белгиланган ижтимоий ҳимоя кафолатларидан фойдаланиши учун хужжатларни йиғиш ва расмийлаштиришга амалий кўмаклашиш;

ижтимоий оғир ахволга тушиб қолган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек қонунчиликда белгиланган ижтимоий ҳимоя кафолатларидан фойдаланиши учун хужжатларни йиғиш ва расмийлаштиришга амалий кўмаклашиш.

Ёшлар етакчисининг функционал мажбуриятлари:

алкоголни, шунингдек психотроп моддаларни ва кишининг ақл-иродасига кучли таъсир этувчи бошқа моддаларни суистеъмол қилувчи (меъёридан ортиқ ичувчи) ёшларга профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш;

назоратсиз ва қаровсиз қолган 14 дан 18 ёшгacha бўлган вояга етмаганларга профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш каби функционал мажбуриятлар юклатилган бўлиб, мазкур мажбуриятларнинг бажарилиши вояга етмаган ва ёшларни назоратсиз ва қаровсиз қолишини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини ҳамда ҳуқуқбузарликлар қурбонига айланиб қолишини олдини олади ва келгусида ижтимоий жиҳатдан тўқис оиласа камол топиши уларни таълим-тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишига омил бўлади.

Энг муҳими, жойларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш бўйича амалиёт йўлга қўйилди⁵.

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига “маҳаллабай” ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида “**Маҳалла бешлиги**” тизими ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади // <https://xabar.uz/jamiat/prezident-iio-xodimlariga-tabrik-yolladi>

қайд этилиб, бу билан тўхтаб қолмаслик, маҳаллани жойларда аҳоли муаммоларини чинакам ҳал қиласидиган институтга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

2023 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли фармони қабул қилиниб, унда эндиликда маҳалла бошқаруви янги ёндашувлар асосида ташкил қилиниши, амалдаги “бешликка” соликчи ва ижтимоий ходим ҳам қўшилиб, биргаликда ишлайдиган “**Маҳалла еттилиги**” тизими яратилиши, аҳолини дафтарларга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредитлар ажратиш каби маҳалланинг ўзида, коллегиал ҳал қилиниши бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, мазкур Фармонга кўра ижтимоий профилактиканинг субъектларининг ҳар бирига вояга етмаган ва ёшлар билан ишлаш бўйича вазифалар юклатилган. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиши, «Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилларини тарғиб қилиш, хусусан яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларни бажариши вояга етмаган ва ёшларни назоратсиз ва қаровсиз қолишини, хукуқбузарликлар содир этилишини ҳамда хукуқбузарликлар қурбонига айланиб қолишини олдини олади.

Таҳлилларга кўра, Жорий йил давомида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган **35 150** та жиноятлар **6043** та маҳаллаларда **35420** мартотаба йиғилишларда кенг жамоатчилик вакиллари билан мухокама қилинди. Ушбу йўлга қўйилган тизимли чора-тадбирлар натижасида ёшлар ўртасидаги жиноятчилик кўрсаткичлари жорий йилнинг декабрь ойида, июнь ойига нисбатан **14,8** фоизга камайишига эришилди.

Тизимли чора-тадбирлар натижасида ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит берилиб, 150 мингта лойиҳа ишга туширилган, 325 мингта иш ўрни яратилган. 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшлар бандлиги таъминланган. 32 мингдан зиёд ёшларга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилган. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилиди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. 53 минг нафар эҳтиёжманд талабага контракт пуллари, 15 мингдан зиёд ёшларга ҳарбий хизмат ва 13 минг нафарига чет тиллари бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилиди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. “Ёшлар дафтари” орқали

300 минг ёшларга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга кўра хукуқбузарликлар

профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект сифатида таълим муассасаларини ҳам ижтимоий профилактиканы амалга оширишда субъектлар билан ҳамкорликда вояга етмаган ва ёшларни таълим-тарбиси, уларни таълимдан сўнг бўш вақтларини мазмунли ўтказишида амалий ёрдам беришга жалб қилиш лозим бўлади. Бу келгусида ижтимоий профилактика субъектларига вояга етмаган ва ёшлар тарбиясида, уларга ижтимоий кўмак беришда бўшликлар юзага келмаслиги, кенг қамраб олишда ёрдам беради.

Хулоса килиб шуни айтишимиз керакки, ҳозирги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган хукуқбузарликлар ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келгуси ишларнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлоддир, улар давлатнинг келажагини белгилайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган хукуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз ва бартараф этишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жойларда умумий профилактикадан унумли фойдаланиш ва буларни юритишида ёшлар тарбиясига бевосита маъсул шахслар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйилиши ижобий натижаларни беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 30 марта “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш механизmlарини белгилаш тўғрисида”ги қўшма қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.

4. Авесто. Тарихий - адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси, Т.:Шарқ, 2001.-Б.-18,19, 22,43,57,63,68,76,86,96 бетлар.

5. Оилада фарзанд тарбияси. Усмонхон Алимов. Т.: Мовароуннахр, 2019. 5,51-бетлар.

6. Гадоймирдов Б. О. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ САБАЛЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ //Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 39-44.

7. Боборахимов А.Б. “Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик қилган ёки қилиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш” “PEDAGOGS” international research journal ISSN: 2181-4027_SJIF: 4.995 Volume-30,

Issue-1, March – 2023 (<https://> “PEDAGOGS” international research journal ISSN: 2181-4027_SJIF: 4.995) 23.03.2023 ый

8. Ж.Р.Ўроқов. ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛА ВА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ. OURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. <http://www.newjournal.org/> Volume-82 21_Issue-3_January_2023